# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 29 май, № 109 (7339) • Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ – ИШОНЧЛИ, МУҲИМ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛАР



**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер 27 май куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Ташрифнинг асосий воқеалари 28 май куни Кўксарой қароргоҳида бўлди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Франк-Вальтер Штайнмайер тор доирада ва кенгайтирилган таркибда музокара ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Германия Президенти ва халқини тарихий сана — ГФР ташкил топгани ҳамда Бош қомуси қабул қилинганининг 70 йиллиги муносабати билан табриклади.

Германия Федерал Президенти давлатимиз раҳбарига мамлакатимизга таклиф ва кўрсатилаётган самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида изчил сиёсий мулоқот йўлга қўйилган. Франк-Вальтер Штайнмайер ГФР ташқи ишлар вазири сифатида 2006 ва 2016 йилларда ҳам юртимизга келган. Бу галги ташриф дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳамфикрлик ва тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Сиёсий соҳада мамлакатларимиз БМТ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар доирасида глобал ва минтақавий масалалар бўйича ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон Германиянинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолигига интилишини қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегияси доирасидаги фаол алоқалар Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигининг муҳим қисмини ташкил этади.

Германия Ўзбекистоннинг минтақада барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнига кўмаклашиш, Орол инқирози оқибатларини бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди.

Мулоқотда томонлар халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашда давом этишини билдирди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Президентлар Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий, инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон — Германия маслаҳатлашувлари механизмининг йўлга қўйилишини маъқулладилар.

Мамлакатларимиз ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва ўзаро тажриба алмашишда парламентлар муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди. Бу борада 23 май куни Тошкентда ўтказилган конституцион тизим ва парламентаризм бўйича Ўзбекистон — Германия форуми ҳар жиҳатдан фойдали бўлгани қайд этилди.

Музокараларда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантириш, шериклик алоқаларини истиқболли ташаббуслар ва лойиҳалар билан бойитиш, янги кооперация шакллари ва механизмларига ўтиш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда Германия компаниялари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари алоҳида назоратда экани таъкидланди. Мамлакатимизга инвестиция киритаётган бундай компаниялар учун энг кўп қулайликлар яратишга тайёрлик билдирилди.

Германияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли машина ва ускуналар, кимё ва фармацевтика товарларига мамлакатимизда талаб катта. Ўзбекистон Германия бозорига қишлоқ хўжалиги, нефть-кимё маҳсулотлари ва бошқа харидоргир товарлар етказиб беришга тайёр. Мамлакатимизнинг экспортчи компаниялари Германияда ўтказилаётган "Яшил ҳафта", "Озиқ-овқат ва логистика" каби нуфузли кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб, ҳамкорлик доирасини кенгайтирмоқда.

Музокараларда бу борадаги янги имкониятлар муҳокама қилинди, ўзаро манфаатли таклифлар кўриб чиқилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда Германия сармояси иштирокида фаолият юритаётган корхоналар сони 160 тадан ошди. Шундан 42 та фирма ва компания тўлалигича хориж капитали ҳисобига тузилган. 2018 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 25 фоиз ўсиб, 770 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.

Жорий йил январь ойидаги ташриф чоғида эришилган келишувлар натижасида Германия компанияларининг Ўзбекистон билан инвестициявий ҳамкорликка қизиқиши ортиб бораётгани таъкидланди. Айни пайтда мамлакатимизда дунёга машҳур Германия компаниялари билан ҳамкорликда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, "MAN" компанияси билан замонавий юк автомобиллари, "Claas" ва "Lemken" компаниялари билан қишлоқ хўжалиги техникаси, "Knauf" билан қурилиш материаллари, "Deutsche Kabel" билан кабелўтказгич маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Германиялик мутахассислар иштирокида Қарши — Термиз темир йўли электрлаштирилмоқда.

Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгаши ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини кўпайтириш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Мунтазам равишда молиявий-техникавий ҳамкорлик борасида маслаҳатлашувлар, савдо ва инвестициялар ҳамда қишлоқ хўжалиги бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳлар мажлислари ўтказилмоқда.

Туризм соҳасида ҳам алоқалар жадал ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда Германиядан юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар сони 4 баробар ошиб, 2018 йилда 20 минг кишига етди. Жорий йил 15 январдан Германия фуқаролари учун 30 кунлик визасиз тартиб жорий этилгани немис сайёҳлари сонини янада кўпайтиришга туртки беради.

Германияда соғлиқни сақлаш соҳаси юксак ривожланган. Ушбу соҳадаги ҳамкорлик доирасида Тошкент шаҳрида "Epsilon" компанияси билан биргаликда замонавий онкология клиникаси ва реабилитация маркази, Тошкент вилоятида "Opasca" компанияси ва Мангейм университети клиникаси билан биргаликда онкология клиникасини қуриш каби муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шу кунгача Германия билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш соҳасида 32 миллион долларга тенг дастурлар ҳаётга татбиқ этилди, ўзбекистонлик мутахассислар ушбу мамлакат клиникаларида мунтазам малака оширмоқда.

Ўзбекистонда немис миллатига мансуб 8 мингдан зиёд фуқаролар яшайди. "Видергебурт" немис маданият маркази, "Ўзбекистон — Германия" дўстлик жамияти немис маданияти ва анъаналарини сақлаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар, Германия академик алмашувлар хизмати (DAAD) ваколатхоналари ва бошқа ташкилотлар халқларимиз ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим институтларига айланди.

Маданият ва таълим соҳаларида самарали алмашувлар йўлга қўйилиб, минтақалараро ҳамкорлик доирасида Тошкент ва Берлин, Бухоро ва Бонн ҳамда икки мамлакатнинг бошқа шаҳарлари ўртасида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Музокараларда Ўзбекистон ва Германиянинг кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришга интилиши муштарак экани, барча масалалар бўйича қарашлари ўхшаш ва яқинлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон ва Германия Президентларининг музокаралари якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Ахборот алмашиш ва уни ҳимоя қилиш, зарарли газлар чиқарилишини камайтириш ва иқлим ўзгаришларига мослашиш, "Volkswagen" компанияси билан ҳамкорликда тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш тўғрисида ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ушбу келишувлар, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан Германиянинг "Integra GmbH" ва "Vamed Engineering GmbH" компаниялари ўртасида Тошкент шаҳрида Ядровий тиббиёт ва нурли терапия марказини ташкил этиш бўйича тузилган битим халқимиз учун катта аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар анъанавий дўстлик, очиқлик ва ўзаро англашув руҳида ўтганини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз халқаро майдонда ишончли, муҳим ва узоқ муддатли ҳамкорлар саналишини, кўп қиррали Ўзбекистон — Германия муносабатларини янада жадаллаштиришдан томонлар бирдек манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистон томони жорий йил январь ойида Берлинда ўтган учрашувнинг мантиқий давоми бўлган бугунги музокаралар натижаларидан тўла мамнуният изҳор этади, — деди Шавкат Мирзиёев. — Икки томонлама ҳамкорликнинг деярли барча йўналиши — сиёсий мулоқот, парламентлараро алоқалар, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа кўплаб соҳаларга доир масалалар атрофлича кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва Германия ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ҳар томонлама таҳлил қилиниб, устувор йўналишлар ва келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Федерал Президент учрашувда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бошланган ислоҳотларнинг истиқболлари ҳамда ушбу янгиланишлар Ўзбекистон — Германия муносабатларига бағишлаган юқори суръат батафсил муҳокама қилинганини таъкидлади.

— Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда ўсиш рўй бераётганига гувоҳ бўлиб турибмиз ва бу бизни қувонтиради. Германиядан нуфузли делегация жавоб ташрифи билан келгани, музокаралар самарали ўтиб, муҳим келишувларга эришилгани, муҳокама этилган барча масала юзасидан Ўзбекистон раҳбари билан фикримиз бир жойдан чиққани ҳамкорликни кенгайтиришга икки томонда ҳам интилиш кучли эканидан далолат беради. Биз фақат мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар эмас, балки Европа Иттифоқи доирасидаги шериклик масалаларини ҳам атрофлича муҳокама қилиш имконига эга бўлдик. Бугунги ташриф Ўзбекистондаги янги сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлашимизнинг ифодасидир. Биз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги, истиқболи порлоқ босқичнинг остонасида турибмиз, — деди Франк-Вальтер Штайнмайер.

(Давоми 3-бетда).

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.***

# АСОСИЙ МАҚСАД – МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 май куни илм-фан ва олий таълим соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Унда 24 май куни Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан бўлган учрашувда айтилган таклифлар ва долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўша учрашувда давлатимиз раҳбари илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришга доир таклифларни муҳокама қилиш учун махсус майдон яратиш мақсадида Республика фан ва технологиялар кенгашини ташкил этишни таклиф қилган, олимлар буни қўллаб-қувватлаган эди.

Йиғилишда мазкур кенгашнинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Жумладан, соҳага оид давлат дастурларини шакллантириш ва марказлашган тартибда молиялаштириш орқали илм-фанни тубдан ривожлантириш, юксак натижадорликка йўналтирилган ихтисосликлар бўйича миллий лабораториялар тизимини яратиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, халқаро рейтингларда мамлакатимиз фани нуфузини кўтариш бўйича топшириқлар берилди.

Иқтисодиётда юқори самара берадиган ва ижтимоий масалаларни оқилона ҳал этишга қаратилган йўналишлар белгиланиб, уларни ривожлантиришга масъуллар бириктирилди.

Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети негизида илмий мактаблар яратиш, нанотехнологиялар, материалшунослик, яримўтказгичлар физикаси, биофизика ва биохимия, биотехнологиялар бўйича олимлар янги авлодини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, олимлар билан учрашувда тўртта йўналиш бўйича доимий комиссиялар тузишга келишиб олинган эди. Бу галги йиғилишда мазкур комиссияларнинг вазифалари, комиссия аъзоларининг иш тартиби ва масъулият доираси белгиланди.

Биринчи комиссия илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини доимий таҳлил қилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этишга амалий ёрдам кўрсатади.

Иккинчи комиссия олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёни ҳамда таълим сифатини таҳлил қилади ва унга баҳо беради.

Учинчи комиссия олий ўқув юртларидаги маънавий-маърифий ишлар, 5 ташаббуснинг амалга оширилишини таҳлил қилади.

Тўртинчи комиссия олий таълим ва илм-фан соҳасида салмоқли ютуқларга эришган хориждаги ватандошларимизни юртимизда мутахассислиги бўйича фаолиятга жалб қилиш билан шуғулланади.

Бу ишлардан асосий мақсад мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш. Қуруқ хом ашё ва уни қайта ишлаш билан узоққа бориб бўлмайди. Қолаверса, ишлаб чиқаришда қўшимча қиймат олиш учун ҳам инновациялар керак. Шу боис илм-фан тараққиётимизнинг муҳим йўналиши, таянчи бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Академик олимлар, профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, талабаларга замонавий шарт-шароит яратиш, улар орасидан бўлажак илм-фан вакилларини топиб, камолга етказиш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаб, илмий тадқиқотларни молиялаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 26 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 3 майда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 156-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **180-модда биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди.

Ислоҳотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини тақозо қилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

**2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури** (кейинги ўринларда — Давлат дастури) 1-иловага мувофиқ;

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси** (кейинги ўринларда — Идоралараро комиссия)нинг янгиланган **таркиби** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар икки ой муддатда Давлат дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда **самарадорлик индикаторларини** ишлаб чиқсин ва Идоралараро комиссия билан келишиб олсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида **коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталар** ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Идоралараро комиссия икки ой муддатда **коррупцияга қарши курашиш бўйича намунавий тадбирларнинг идоравий дастурини** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталарига муҳокама қилиш ва келишиш учун киритсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг таркибида **коррупцияга қарши курашиш комиссияларини** ташкил этиш тавсия қилинсин, уларнинг зиммасига:

жойларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги **ишларнинг ҳолатини комплекс ўрганиш**;

жойларда коррупция кўринишлари намоён бўлишига олиб келадиган **тизимли муаммолар ва коррупциянинг ҳолати** тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталарига ушбу соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритган ҳолда мунтазам равишда ахборот бериб бориш функциялари юклансин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2) **181-модда биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3) **$181^{1}$-модда биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

4) **202-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ов қилиш ва балиқ овлаш ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини тутиш қоидаларини бузиш, камёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон турларини тутишнинг ёхуд ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг доривор, озуқавий ва манзарали (декоратив) турларини йиғиш ёки тайёрлашнинг белгиланган тартибини ёки шартларини, худди шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан тўрт юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) ерда, сувда ёки ҳавода ишлатиладиган механизациялаштирилган воситалардан фойдаланиб;

г) тақиқланган қуролларни ёки воситаларни қўллаган ҳолда;

д) уюшган гуруҳ томонидан;

е) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

ж) Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ҳайвонот ёки ўсимлик дунёси турларини нобуд қилган ҳолда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни уч карра миқдорда, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёси турларига нисбатан етказилган зарарнинг ўрни эса беш карра миқдорда қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 3, 156, 160, 161-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **63-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**63-модда. Ғайриқонуний ов, балиқ овлаш маҳсулотини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш маҳсулотини қабул қилиб олиш**

Ғайриқонуний ов, балиқ овлаш маҳсулотини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш маҳсулотини тайёрлаш ёки қайта ишлаш ташкилотининг, савдо ёхуд умумий овқатланиш ташкилотининг мансабдор шахси томонидан қабул қилиб олиш, –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **79-модда**:

**биринчи қисмининг санкциясидаги** «учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **80-модданинг санкциясидаги** «бир бараваридан уч бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **81-модда**:

**биринчи қисмининг санкциясидаги** «бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – икки бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **83-модданинг санкциясидаги** «учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **84-модда**:

**биринчи қисмининг санкциясидаги** «учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача» деган сўзлар «уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **90-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**90-модда. Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш**

Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, –

шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси икки марта қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, –

шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса – йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсати бўлмай туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки воситалар билан ов қилиш ёки балиқ овлаш, –

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса – йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади»;

8) қуйидаги мазмундаги **$90^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$90^{1}$-модда. Ов қилиш ва балиқ овлашнинг тақиқланган қуролларини ёки воситаларини тайёрлаш, олиб кириш, сақлаш, ташиш ёки юбориш, олиш ёхуд сотиш**

Ов қилиш ва балиқ овлашнинг тақиқланган қуролларини ёки воситаларини тайёрлаш, олиб кириш, сақлаш, ташиш ёки юбориш, олиш ёхуд сотиш, –

ҳуқуқбузарлик қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, –

ҳуқуқбузарлик қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

9) **92-модданинг санкциясидаги** «учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **94-модда**:

**биринчи қисмининг санкциясидаги** «иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – икки бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **111-модда**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш уларнинг ўлимига ёхуд майиб бўлишига олиб келса, худди шунингдек ҳайвонларни қийнаш, –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахс ҳозирлигида содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

12) **162-модданинг санкциясидаги** «учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **$179^{5}$-модданинг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

14) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «90-моддасининг иккинчи қисмида, 94, 99, 100, 101 (умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида), 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 110, 111-моддаларида» деган сўзлар «90-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, $90^{1}$, 94, 99, 100, 101 (умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида), 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 110, 111-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **287-модданинг**:

**1-банди** «90» рақамидан кейин «$90^{1}$» рақами билан тўлдирилсин;

**5-банди** «90» рақамидан кейин «$90^{1}$» рақами билан тўлдирилсин;

**6-бандидаги** «$184^{2}$, $184^{3}$, 198, 227, $227^{1}$–$227^{27}$-моддаларида» деган сўзлар «$90^{1}$, $184^{2}$, $184^{3}$, 198, 227, $227^{1}$–$227^{27}$-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **291-модда биринчи қисмининг**:

«**а**» **кичик бандидаги** «125-моддасининг учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида» деган сўзлар «$90^{1}$-моддасида, 125-моддасининг учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«**в**» **кичик бандидаги** «60, $70^{1}$, 78, 79, 81, 82, 84, 90, 92, 94-моддаларида» деган сўзлар «60, $70^{1}$, 78, 79, 81, 82, 84, 90, $90^{1}$, 92, 94, 162-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«**г**» **кичик бандидаги** «198, 227-моддаларида» деган сўзлар «$90^{1}$, 198, 227-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 1, 2, 3-бандлари, 2-моддасининг 13-банди мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 28 май
№ ЎРҚ—543

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) **коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари** ўрта муддатли истиқболда қуйидагилардан иборат:

суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, **судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш**;

давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

давлат хизматчилари **даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш** ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

**коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг** самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш;

б) идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали **тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш** давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

5. Белгилансинки:

а) 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари **зиммага юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини** вақти-вақти билан **мажбурий баҳолаб боради**, унинг якунлари бўйича:

коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг **фаолият соҳалари ва лавозимлари,** шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхатини шакллантиради;

идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари **ижросининг ҳар чораклик мониторингини** амалга оширади ва **коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш** чораларини кўради;

Идоралараро комиссия билан келишган ҳолда ҳар йилги **идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурларини** тасдиқлайди;

ҳар йили Идоралараро комиссияга тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятида, шу жумладан, қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали коррупция хавф-хатарларига барҳам бериш бўйича таклифларни киритади;

б) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламаганликлари ва тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, **коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни такроран содир этиш ҳолатларига йўл қўйганликлари** юзасидан **шахсан жавобгар бўлади.**

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда:

**ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирларни** ишлаб чиқсин ва 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб татбиқ этсин;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасаларининг **ўқув дастурларида коррупцияга қарши мавзулар** янада кучайтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда, шу жумладан, техник инфратузилмани ва зарур дастурий таъминотни яратишга оид зарурий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутган ҳолда **муайян тоифадаги давлат хизматчиларининг мулки ва даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш** бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Идоралараро комиссия (Н. Т. Йўлдошев):

2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида **“Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини** амалга оширишни ташкил этсин, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб лойиҳани бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич жорий этсин;

ҳар йили 1 апрелга қадар тегишли соҳаларда “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

9. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар Давлат дастурининг ижро этилиши ҳолати тўғрисида ҳар чоракда Идоралараро комиссияга ахборот киритилишини таъминласин.

10. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича **махсус комиссия** (кейинги ўринларда — Махсус комиссия) 3-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

11. Қуйидагилар махсус комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган жамоатчилик назоратининг амалий чораларини ва қўлланилаётган ҳуқуқий механизмларнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш;

коррупцияга ва бошқа жиноятларга қарши тизимли курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, шу жумладан, ички идоравий назоратни амалга оширадиган бўлинмалар фаолиятини танқидий ўрганиш;

коррупцияга қарши курашиш ва мазкур соҳада идоралараро ҳамкорлик қилиш, шунингдек, коррупция кўринишларини содир этиш сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланилаётган механизмларни тубдан қайта кўриб чиқиш;

коррупцияга қарши курашиш ва жамоат назорати соҳасида умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини ўрганиш.

12. Махсус комиссия (З. Ш. Низомиддинов):

а) **бир ҳафта муддатда** ўрганишнинг тегишли йўналишлари бўйича ишчи гуруҳларнинг таркибларини ҳамда уларнинг иш режаларини тасдиқласин, шунингдек, ишчи гуруҳларнинг самарали фаолиятини ташкил этсин;

б) **2019 йил 1 сентябрга қадар**:

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини, шу жумладан, умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда ушбу фаолиятни ташкил этиш ва мазкур йўналишдаги функцияларини оптималлаштиришда ягона ёндашувларни жорий этиш орқали тубдан такомиллаштириш бўйича таклифларни;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назорати механизмларини самарали қўллашга йўналтирилган, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар бўйича “Йўл харитаси” лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдидаги ҳисобдорлиги тартибини такомиллаштириш;

қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштирокининг шаффоф ва самарали усулларини жорий этиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда давлат органлари, шу жумладан, маҳаллий органлар томонидан расмий веб-сайтлар ва “ишонч телефонлари”дан улар фаолиятининг очиқлигини ва ахборот олиш имкониятини таъминлаш воситаси сифатида фойдаланишлари устидан доимий мониторингни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, ушбу Фармоннинг амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда, шу жумладан, чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг кўламдаги ахборот-тарғибот ишларини ташкил этиш чора-тадбирларини доимий асосда амалга ошириб, уларда таниқли олимлар, давлат органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакилларининг чиқишларини назарда тутсин ҳамда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича брифинглар, интернет-конференциялар, телевизион кўрсатувларда уларнинг иштирок этишларини таъминласин;

мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳисобот бериб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 27 май

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ – ИШОНЧЛИ, МУҲИМ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Куннинг иккинчи ярмида ГФР Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

ГФР Президенти Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доиралари вакиллари йиғилишида иштирок этди.

Германия саноат ва технологиялар ривожи бўйича жаҳонда илғор давлатлардан бири саналади. Бугунги кунда автомобилсозлик, кимё, электротехника, авиакосмик соҳа, қурилиш ва озиқ-овқат саноати Германия иқтисодиёти барқарор ўсишини таъминловчи асосий тармоқлар бўлиб келмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистонда германиялик инвесторлар иштирокида тузилган корхоналар, ушбу мамлакат фирма ва компаниялари ваколатхоналари муваффақият билан фаолият кўрсатаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Германиянинг қатор банклари билан алоқа ўрнатган, Тошкентда "Дойче-банк" бўлими ташкил этилган.

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал ислоҳотларни диққат билан кузатиб боряпмиз. Мамлакатингиздаги инвестициявий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, илғор тажриба ва инновацияларни ўртоқлашишга доимо тайёрмиз, — деди Франк-Вальтер Штайнмайер.

Йиғилишда Ўзбекистон ва Германия тадбиркорларининг турли соҳаларда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш масалалари муҳокама қилинди. Энергетика, нефть-газ кимёси, ахборот технологиялари, банк-молия, транспорт, атом энергетикаси каби соҳаларда шериклик алоқаларига оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Франк-Вальтер Штайнмайер пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги "Bakan Tech" масъулияти чекланган жамиятига ташриф буюрди.

Германиянинг "Тручлер", "Зенцер", "Саурер" каби етакчи компаниялари технологиялари билан жиҳозланган корхонада пахтадан юқори сифатли калава ип ишлаб чиқарилади. Лойиҳа қиймати 52 миллион доллар бўлган корхонада 500 дан зиёд ишчилар меҳнат қилади. Бу ерда мамлакатимизда ягона автоматик қадоқлаш, тозалаш, чиқиндиларни прессглаш тизимлари ўрнатилган. Бу экологик тоза ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

ISO-9001 сифат менежментига эга корхона маҳсулотлари дунё бозорида жуда харидоргир. Айни пайтда маҳсулотлар МДҲ мамлакатлари, Хитой ва Туркияга экспорт қилинмоқда. 2018 йил якунига кўра, 9,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган. Жорий йилнинг ўтган даврида 5 770 тонна пахта толасидан 4 800 тонна калава ип ишлаб чиқарилган, 13 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Олий мартабали меҳмон пахта толасидан калава ип ишлаб чиқариш, қадоқлаш ва экспортга йўналтиришгача бўлган жараён ҳақидаги видеоролик билан танишди, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари билан суҳбатлашди.

Германия Президенти Тошкентдаги Гёте институтида бўлиб, Йоҳанн Вольфганг Гёте ҳайкалининг очилиш маросимида қатнашди.

Франк-Вальтер Штайнмайер Ўзбекистонда Гёте сиймосига эҳтиром мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янги руҳда давом эттиришга, маданий-маърифий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилишини таъкидлади.

Олий мартабали меҳмон Тошкентдаги Гёте институти фаолияти билан танишди.

Бугун Ўзбекистонда Германия академик алмашувлар хизмати, Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар ваколатхоналари, Немис халқ университетлари ассоциациясининг Халқаро ҳамкорлик бўйича институти каби ГФРнинг кўплаб илмий-маърифий ташкилотлари муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

Мамлакатимиздаги 1 842 мактабда 377 мингдан зиёд ўқувчилар немис тилини ўрганмоқда. Айни пайтда ўзбекистонлик 700 дан ортиқ талабалар, илмий тадқиқотчилар Германия олий таълим муассасаларида таълим олаяпти.

Тошкентдаги Гёте институтининг асосий мақсади немис тилини ўргатиш, халқаро маданий ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Ҳозирги кунда институтнинг тил ўқитиш марказларида 4 мингдан зиёд юртдошларимиз немис тилини ўрганмоқда.

Франк-Вальтер Штайнмайер институтда тил ўрганаётган ёшлар, маданият ва санъат намояндалари, илмий доиралар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари билан суҳбатлашди.

Федерал Президент икки ҳамюртимиз — Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси таржимони Мукаррам Каримова ва Марғилон шаҳридан немис тили ўқитувчиси Лидия Осинани "Bundesverdienstkreuz" ("Германия Федератив Республикасига кўрсатган хизматлари учун") ордени билан мукофотлади.

Ҳамюртларимизнинг бундай юксак мукофот билан тақдирланиши нафақат уларнинг икки томонлама маданий-гуманитар ҳамкорлик ривожига қўшган ҳиссаси, балки давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматларининг ҳам эътирофидир. Тақдирлаш маросими Германияда Ўзбекистон билан алоқаларга алоҳида эътибор қаратилиши, ҳамкорликни равнақ топтириш мақсадида фаолият кўрсатаётган вакилларимиз юксак қадрланишидан яна бир далолат бўлди.

ГФР Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА.**

# ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2018 ЙИЛДАГИ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

*2019 йил 28 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.*



## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Тақдим этилган ҳисобот палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида, сиёсий партиялар фракцияларининг ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, парламент қўмиталарининг мажлисларида дастлабки тарзда кўриб чиқилган эди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йилдаги ижроси юзасидан ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, молия вазири Жамшид Қўчқоров тақдим этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини тубдан ривожлантириш бўйича олиб борилган ислоҳотлар ижроси 2018 йил давомида иқтисодиётнинг барқарор, мувозанатлаштирилган ҳолда ривожланиши ҳамда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлади. Шунингдек, валюта сиёсатини либераллаштиришни янада чуқурлаштириш ва ташқи савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни яратиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Бунинг натижасида 2018 йил якунига кўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 407,5 триллион сўмни ташкил этган ҳолда 2017 йилдагига нисбатан 5,1 фоиз ўсди. ЯИМ ўсиш суръатига саноат тармоғи энг катта таъсир кўрсатди (2,1 фоиз). Хизматлар соҳасининг ижобий таъсири эса 1,8 фоизни ташкил этди. Қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилдаги билан таққослаганда 9,9 фоиз ўсди ва ЯИМнинг мутлақ ўсишида қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,5 фоиз даражасида баҳоланди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 0,3 фоиз даражасида ижобий ўсиш суръати қайд этилди. Мазкур тармоқнинг ЯИМ мутлақ ўсиш суръатига таъсири 0,1 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2018 йилги ижросида ижтимоий соҳаларни янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасидаги масалаларнинг молиялаштирилишига алоҳида эътибор қаратилгани қайд этилди. Жумладан, ҳисобот даврида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган харажатлар Давлат бюджетининг 53,8 фоизини, яъни ЯИМга нисбатан 10,5 фоизни ташкил этди.

2018 йилда аҳоли умумий даромадлари 286,3 триллион сўмни ташкил этди ва 2017 йилдагига нисбатан 110,3 фоиз реал ўсиш суръатига эришилди. Йил якунларига кўра, республикада ташқи савдо айланмаси 33,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, 2017 йилдагига нисбатан 27,3 фоиз ўсди.

2018 йил давомида Давлат бюджети даромадлари 79 триллион 99 миллиард сўмни ташкил қилди ва 2017 йилдагига нисбатан 59,2 фоиз ўсди ҳамда белгиланган 62 триллион 500 миллиард сўм режа 16 599,0 миллиард сўм ортиғи билан (126,6 фоиз) бажарилди. Ўз навбатида, Давлат бюджети даромадларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 19,4 фоизни ташкил қилди.

Депутатлар иқтисодиётни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида қатор қонунлар, мамлакатимиз Президентининг Фармон ва қарорлари, давлат дастурлари қабул қилиниб, улар бугун амалиётга муваффақиятли жорий этилаётганини, шунингдек, иқтисодиёт соҳасида замон талабларига жавоб берадиган, янгича маъно-мазмундаги ислоҳотларни юритиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини эътироф этдилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 июндаги маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш ҳамда маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини оширишга қаратилган Фармон ва қарорларининг ижроси натижасида ўтган йилда маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисми прогнозга нисбатан 124,3 фоиз бажарилган.

Ҳукумат ҳисоботи юзасидан ҳар бир сиёсий партия фракцияси ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари ўз нуқтаи назарини баён қилди.

Хусусан, "Адолат" СДП фракцияси вакиллари ўзларининг асосий йўналишларидан бўлган соғлиқни сақлаш соҳасига 2018 йилда Давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар миқдори 9,4 триллион сўмни ёки ижтимоий харажатларга ажратилган маблағларнинг 21,9 фоизини ташкил этганини ижобий баҳоладилар. Лекин соҳадаги айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Хусусан, бу борада Давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар йил сайин ўсиб бораётган бир шароитда, Президент томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ижроси учун режалаштирилган 121,7 миллиард сўм маблағлар ўзлаштирилиши таъминланмагани фракция аъзоларининг ҳақли эътирозига сабаб бўлди. Фракция аъзолари бюджет маблағларининг ўз вақтида ўзлаштирилмагани тизимдаги ислоҳотлар самарасига таъсир ўтказаётганини ҳисобга олиб, бу каби масалаларни вақтида ижобий ҳал этиш зарур, деб ҳисоблашини маълум қилдилар. Шу билан бирга, депутатларнинг ҳудудлардаги ўрганишлари асосида тез тиббий ёрдам хизматларини алоқа воситалари билан тўлиқ таъминлаш, фуқароларнинг ягона электрон тиббий харитасини яратиш, "Электрон поликлиника" автоматлаштирилган ахборот тизимини барча ҳудудда қисқа муддатларда жорий қилиш ишларини якунлаш ҳам долзарб масала экани қайд этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари Давлат бюджетининг 2018 йилги ижросига доир ҳисоботда ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасидаги тадбирларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилганини эътироф этди. Ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 42 883,3 миллиард сўм ёки умумий харажатларнинг 53,8 фоизи миқдорида маблағ сарфлангани бевосита Ўзбекистон ХДПнинг электорати манфаатларига мос келади. Шу билан бир қаторда, ҳисобот даврида ҳанузгача Давлат бюджети соҳасидаги муносабатларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бу билан бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатиш муаммоси сақланиб қолаётгани, мазкур йўналишда сезиларли ижобий натижаларга эришилмагани кўрсатиб ўтилди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари 2018 йилда иқтисодиётни янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, уни диверсификация қилиш, таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришга энг замонавий, илғор технологияларни жорий этиш орқали уни модернизациялаш миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ва рақобатдошлигини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаб, булар, ўз навбатида, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаганини қайд этдилар. Шу билан бирга, маданий мерос объектларини таъмирлаш ва тиклаш мақсадларига қаратилган харажатларни маҳаллий бюджетлар ҳисобига кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, хусусан, замонавий хизмат турларини кенгайтириш, туризм соҳаси салоҳиятидан кенг фойдаланишни жадаллаштиришга йўналтирилган маблағларни кўзда тутувчи параметрлар келтирилмаганини инобатга олиб, келгусида тақдим этиладиган ҳисоботларда ушбу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси ЎзЛиДеП электоратининг манфаатлари ҳамда сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш нуқтаи назаридан таҳлил қилинди. Унда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги чора-тадбирлар ижросини таъминлаш бўйича кўрилаётган чораларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, фракциянинг бир қатор таклифлари илгари сурилди. Жумладан, ҳудудларда фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш ва тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этишни янада рағбатлантириш юзасидан таклифлар берилди. Фракция аъзоларининг фикрича, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида паст рентабелли, иқтисодий ночор давлат корхоналарининг хусусий мулкдорларга, энг аввало, профессионал хорижий инвесторларга сотилиши бўйича қўшимча чораларни кўриш, хусусий мулкни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун хом ашё ресурсларини очиқ биржа, ярмарка-савдоларида сотиш ҳажмларини кенгайтириш чораларини кўриш ҳамда шу орқали уларнинг харид имкониятларини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Экоҳаракат депутатлар гуруҳи вакиллари эса ҳисобот даврида Давлат бюджетидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни бартараф этиш учун маблағларнинг ажратилиши ҳамда сарфланишини ижобий баҳолаган ҳолда, Ҳукумат томонидан олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда, ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам борлигига эътибор қаратдилар. Жумладан, тегишли қонун ҳужжатларига асосан, ўсимлик дунёси ва ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастрини ҳамда ўсимлик дунёси ва ҳайвонот дунёси объектларининг давлат ҳисобини юритишга доир ишларни маблағ билан таъминлаш Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, аммо бугунги кунда ушбу ишлар учун Давлат бюджетидан маблағлар ажратилмаётгани танқид қилинди.

Депутатлар парламент аъзолари томонидан жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиш ҳамда назорат-таҳлил фаолиятини амалга ошириш жараёнларида Давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ҳудудларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида ҳали ечимини кутаётган масалалар борлигига ҳам эътибор қаратдилар. Шу билан бирга, ҳудудларнинг ресурс салоҳиятини тўлиқ амалга ошириш, бюджет маблағларидан янада самарали фойдаланишни таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромадини ошириш борасида жойларда мавжуд имконият ва резервларни тўла ишлатишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Муҳокамалар давомида депутатлар маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ижро интизомини ошириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг келгуси давр учун ўз вақтида, сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш, бунинг учун халқ депутатлари тегишли Кенгашлари билан ҳамкорлик қилиш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб олиш зарурлигини таъкидладилар.

Мажлис якунларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Депутатлар парламент Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

Бунёдкорлик

# ЗОМИНДА ЯНГИ САНАТОРИЙ

*"Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор — бу аввало халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ".*

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 августдаги ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувда билдирган ушбу фикрлари халқимизнинг қалбига қулоқ солиб, унинг дардига дармон бўлишга интилиб яшаётган, орзу-умидларини ўз асарларида тараннум этиб келаётган ёзувчию шоирлар, санъат ва маданият вакилларини ҳар томонлама рағбатлантиришга, улар учун барча шарт-шароитни яратишга қаратилган ишларнинг янги босқичини бошлаб берди.*



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Бу борада қатор Фармон, қарор ва фармойишлар қабул қилинди. Мамлакатимизда китоб чоп этиш, мутолаа маданиятини ривожлантириш борасида изчил ҳаракатлар олиб борилмоқда. Ҳудудларда ташкил этилаётган улуғ ижодкорларимиз номи билан аталадиган мактаб ва марказлар, ўтказилаётган турли танловлар ёш истеъдодларга қанот бўлаётир. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйи ва поликлиникаси тубдан реконструкция қилингани, уюшма қошида "Ижод" жамоат фонди тузилгани, Адиблар хиёбони барпо этилиб, ҳудудда Ёзувчилар уюшмасининг муҳташам биноси қад ростлагани қалам аҳлининг кўнглини тоғдек кўтариб, уларни янги ижодий изланишларга ундаяпти.

Ижодкорлар яқинда яна бир муждани эшитиб, қалби қувонч ва ифтихорга тўлди: Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги Ўриклисой қишлоғида янги даволаш-соғломлаштириш муассасаси бунёд этилди.

Ушбу масканнинг тантанали очилишида мазкур эзгу ташаббусга ҳомий бўлган Навоий кон-металлургия комбинати вакиллари, Жиззах вилояти ва Зомин тумани ҳокимлиги масъул ходимлари, юртимизнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари, ёш ижодкорлар жам бўлди.

Тадбирда мамлакатимизда маданият, санъат, маърифат ва адабиёт ривожига қаратилаётган эътибор, шубҳасиз, халқимизнинг маънавий юксалишига, ҳаётимиз фаровонлиги ошишига хизмат қилиши таъкидланди.

Навоий кон-металлургия комбинатининг машинасозлик заводи томонидан барпо этилган 150 ўринли замонавий санаторийда 100 та ўрин корхона ишчилари, 50 таси шоир ва ёзувчилар учун ажратилган.

Тоғ бағридаги арчазорлар қўйнида жойлашган олти қаватли муҳташам сиҳатгоҳ Буюк Британия, Германия, Хитой ҳамда Россия каби мамлакатларда ишлаб чиқарилган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

— Пурвиқор тоғлар бағрида қад ростлаган сиҳатгоҳга ташриф буюрган киши бу ердаги ҳордиқни узоқ вақт эслаб юради, — дейди Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Қувондиқ Санақулов. — Ҳудуднинг мусаффо ҳавоси, зилол суви, шифобахш табиий гиёҳлари, ноёб ҳайвонот дунёси ҳаммани бирдек ўзига мафтун этади, илҳом бағишлайди.

Санаторийда дам олувчилар физиотерапия, кислород терапияси, массаж, игнатерапия, электр ёруғлик муолажаси ва бошқа имкониятлардан фойдаланишади. Шу орқали мазмунли ҳордиқ чиқариш билан бирга, юқори нафас йўллари, марказий асаб ва таянч касалликларига ҳам даво топишади.

Сиҳатгоҳда қурилган амфитеатр, мажлислар зали, кутубхона, ошхона, спорт майдончалари доимо дам олувчилар хизматида бўлади.

Ижод аҳлига кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик уларга кўтаринкилик, завқу шавқ бериб, янги асарлар яратишда беқиёс илҳом манбаи бўлиб қолиши, шубҳасиз.

**Толибжон ЭРГАШЕВ («Халқ сўзи»).**

# ОАВ СОҲАСИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан "ОАВ соҳасида миллий қонунчиликни янада такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзуида республика конференцияси ташкил этилди.*

Конференция

Унда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритиши учун зарур шароит яратиш, журналистлар нуфузини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, шунингдек, янгилик тарқатувчи хорижий сайтлар, инсон ҳуқуқлари бўйича веб-ресурслардан тўлақонли фойдаланиш имкони тиклангани эътироф этилди.

Соҳага оид янгиланишлар давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган иккита ҳужжатда, жумладан, "Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарор асосида амалга оширилмоқда.

Ахборот соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш юзасидан қатор амалий тадбирлар йўлга қўйилган.

Шунга қарамасдан, тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг матбуот хизматлари фаолиятида бир қатор муаммолар мавжуд. Конференция ишида бу борада ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бирма-бир тилга олинди. Уларнинг амалий ечимларига оид таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

— Нима учун ОАВ тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарила олмаяпти, деган саволга кўп омиллар қатори вазирлик ва идоралар ахборот хизматлари фаолиятига нисбатан суст муносабатни ҳам сабаб қилиб кўрсатиш мумкин, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори ўринбосари Саида Мирзиёева. — Ўтказилган таҳлиллар ва ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, соҳада энг асосий муаммо, бугунги кунда ягона давлат ахборот сиёсати тўғрисидаги концептуал ҳужжатнинг мавжуд эмаслигидир.

Давлат органларининг ахборот сиёсати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ягона давлат ахборот сиёсати тўғрисидаги концепцияни қабул қилиш зарурати тобора ошиб бормоқда.

Бундан ташқари, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг жамоатчилик билан алоқаларини тубдан такомиллаштириш ҳамда ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорини қабул қилиш таклифи ҳам илгари сурилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган ва у ҳозирги вақтда кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Унда илк бор ахборот хизматларининг асосий вазифалари, ваколатлари, мажбуриятлари, матбуот котибларининг ташкилотдаги ўрни ва мақоми, моддий-техник ва молиявий таъминоти, шарт-шароитлари, малака ошириш имкониятлари тубдан яхшиланиб, ҳуқуқий кафолатланмоқда.

Конференцияда, шунингдек, халқаро рейтингларда сўз эркинлиги ва ОАВ фаолияти бўйича юртимиз нуфузини янада яхшилаш, Медиа-омбудсман лавозимини жорий этиш хусусида ҳам алоҳида сўз борди.

**Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).**

# Ўзбекистон — Германия: АНЪАНАВИЙ ДЎСТЛИК, ОЧИҚЛИК ВА ЎЗАРО АНГЛАШУВ

**Парламентлараро ҳамкорлик**

*Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган бўлиб, ушбу минтақадаги барча мамлакатлар билан умумий чегараларга эга. Германия ҳам Марказий Европанинг қоқ ўртасида жойлашган ва яқин қўшниларига нисбатан энг кўп аҳолига эга мамлакат ҳисобланади. Бундай ўта қулай жуғрофий жойлашув ва марказлашган ҳудудий ҳолат табиий равишда ушбу мамлакатларнинг стратегик аҳамиятини янада оширади.*

## БУНДЕСТАГНИНГ МАМЛАКАТДА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИ ҚАНДАЙ?

Икки халқнинг қадриятлар тизимида ҳам ўзаро ўхшашликлар мавжуд. Улар тарихий ва миллий омиллар таъсирида шаклланган бағрикенглик, келажакка интилиб яшаш, тадбиркорлик ҳамда ишбилармонлик, олижаноблик ва саховатпешалик, миллий ғурур ҳамда эътиқод каби муштарак фазилатларда намоён бўлади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатлар юқори поғонага кўтарилди. Айниқса, Президентимизнинг жорий йил бошида Германияга амалга оширган тарихий ташрифидан сўнг ушбу ҳамкорлик турли жабҳаларда кенг қулоч ёзди. Мазкур ташриф тўғридан-тўғри немис инвестицияларини мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилиш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш, бизнес-тузилмалар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратди. Ташриф барча даражадаги, жумладан, парламентлар ўртасидаги алоқаларнинг янги йўналишларини белгилаб берди.

Бугунги кунда икки мамлакат ўртасида парламентлараро алоқалар ҳам тобора ривожланмоқда. Германиянинг олий вакиллик органи сифатида фаолият олиб бораётган 709 депутатдан иборат парламент — Бундестагнинг парламентар республика ҳисобланган Германиядаги қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсири ниҳоятда юқори. Мамлакат сиёсий тизимида марказий ўрин тутувчи Бундестаг қонунларни қабул қилишдан тортиб то давлат бюджетини шакллантиришгача, Федерал канцлерни сайлашдан тортиб, ҳукумат фаолиятини назорат қилишгача бўлган муҳим функцияларни бажариб келмоқда.

**Б**угунги кунда Ўзбекистон ва Германия парламентлари ўртасида яхши алоқалар йўлга қўйилган. 2016 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бундестаг билан "Ўзбекистон — Германия" парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган барча сиёсий партияларнинг фракциялари вакиллари киритилган. Айни пайтда мазкур гуруҳ ҳамкорлик бўйича самарали фаолият олиб бормоқда. Ўз навбатида, Бундестагда ҳам "Германия Федератив Республикаси — Марказий Осиё" гуруҳи ташкил этилган.

Икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганидан бери Олий Мажлисда Бундестагнинг 25 дан ортиқ делегациялари қабул қилинди, Олий Мажлис вакиллари эса ГФРга 20 маротабадан кўпроқ ташриф буюришди. Немис депутатлари ва экспертлари Ўзбекистонда ўтказилаётган турли халқаро семинарлар, конференциялар ҳамда давра суҳбатларида, жумладан, Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Қолаверса, Олий Мажлис вакиллари ҳам қонунчилик соҳасида германиялик ҳамкасбларининг ижобий тажрибасини ўрганиш имконини берувчи халқаро семинар ва конференцияларда қатнашиб келаётир.

Мазкур тадбир ва учрашувлар томонларнинг ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги интилишини яққол намоён этади. Германиялик парламент вакиллари Ўзбекистоннинг иқтисодий соҳада эришаётган ютуқларига, сиёсий тизимни ислоҳ қилиш ва жамиятни демократлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларига ижобий баҳо бериб, Ўзбекистон раҳбариятининг халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган сиёсатини қўллаб-қувватламоқда. Шу билан бирга, Германия тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида ўзларининг муҳим таклиф ва тавсияларини бераётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Келгусида Ўзбекистон — Германия парламентлараро алоқаларини янада ривожлантириш икки мамлакат муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади. Айниқса, парламент делегациялари ўзаро алмашинувини кенгайтириш ҳамда унинг доирасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини доимий муҳокама қилиб бориш, парламентларнинг қонун ижодкорлиги ҳамда назорат таҳлил фаолияти юзасидан ўзаро тажриба алмашиш, томонларни қизиқтирган глобал ва минтақавий масалаларни ҳал этиш бўйича ўзаро фикр алмашиш, Ўзбекистон ҳамда Германияда ташкил қилинадиган халқаро конференция ва форумларда икки мамлакат парламентарийларининг иштирокини таъминлаш парламентлараро алоқаларнинг истиқболли йўналишлари ҳисобланади.

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси.**

## ЎЗИГА ХОС ТУРМУШ ТАРЗИ

### ДОИМО ХОРИЖЛИКЛАРДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТАДИ.

*Германияда ҳаёт одатдагидек осуда кечади. Кўчаларда, айниқса, Берлинда тиғиз пайтда ҳам сокинлик ҳукмрон. Ёшу кекса ишига, ўқишига қатнайди. Лекин ҳеч ким шошмайди. Эътиборлиси, уларнинг асосий қисми манзиллари сари велосипедда боришади. Бунинг учун шаҳар кўчаларига махсус йўлаклар қилинган. Ташкилотлар ва умумий овқатланиш шохобчалари яқинида эса махсус тўхташ жойлари мавжуд.*

**Таассурот**

Айни пайтда Германияда 72 миллионта велосипед бор. Агар мамлакат аҳолиси сони 82 миллион киши эканлигини инобатга олсак, шундай хулоса қилиш мумкинки, деярли ҳамма бу транспорт воситасига эга. Одамларнинг электр токида ҳаракатланадиган велосипедларга ҳам қизиқиши ва талаби ортиб боряпти. Германияда велосипед ижараси хизмати ҳам яхши йўлга қўйилган. Исталган бекат ёки катта савдо нуқталарида велосипедларни ижарага олишингиз мумкин.

Бу "Audi", "BMW", "Mercedes-Benz", "Volkswagen", "Porsche", "Opel" каби машҳур брендлар ватани бўлган Германиядаги оддий ҳолат. Ваҳолонки, немислар юртида йилига қарийб 6 миллионта автоулов ишлаб чиқарилади ва бу Европа Иттифоқидаги умумий автомобиль ишлаб чиқаришнинг 35,6 фоизини ташкил этади.

### Унда нега велосипед дерсиз?!

Ҳамма гап ушбу мамлакат аҳолиси атроф-муҳитни асраб-авайлаш йўлида қайғуриши, атмосферани ифлослантирмасликка ҳаракат қилиши ва табиат неъматларини эҳтиётлашида, десак, асло муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда ГФР айнан шу мақсадлар йўлида ҳаётга муқобил энергия манбаларини фаол жорий этгани ҳолда, атом энергетикаси ва кўмир қазиб чиқаришдан воз кечиш босқичида турибди. Шунинг учун ҳам давлат йирик молиявий ва бошқа йўқотишлар, фуқаролар бандлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларга дуч келяпти. Лекин аҳоли буни тушунишга ҳаракат қилмоқда, зеро, табиат ресурслари абадий эмас. Ҳозир Германияда энергиянинг қарийб ярми қайта тикланувчи қувватлар манбалари ҳиссасига тўғри келиши ҳам фикримиз тасдиғидир. Мисол учун, бу заминда шамол тегирмонлари ўрнатилган майдонларни топиш қийин эмас. Электр энергияси таъминотининг 12 фоизи айнан мана шундай мосламалар ҳиссасига тўғри келади. Яна деярли шунчаси қуёш қурилмалари ёрдамида олиняпти. Ишлатилаётган кўмир эса қўшни давлатлардан импорт қилинади.

### Музейга айланган кон

Немисларнинг ўтмиш саноат иншоотларидан фойдаланиш бўйича тажрибаси ҳам диққатга сазовор. Масалан, Рурдаги собиқ кўмир кони музейга айлантирилган. У ерга келганлар шу каби шахталар тарихи билан таништирилади, ҳукуматнинг бу борадаги жуда қатъий қарори моҳияти тушунтирилади. Бироқ пул топиш қобилиятини немислардан ҳеч ким тортиб ололмайди. Музейда кўмирни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича бор технологик линия сақлаб қолинган. Рур меҳмонларига ҳар бир асбоб-ускуна қандай қўлланилганини айтиб беришади. Буни қарангки, ушбу бесўнақай агрегатлар бу жойда рассомлар, фотографлар ва ҳунармандлар кўргазмаларини ўтказишга ҳеч қандай халақит бермайди. Илғор ёшлар эса турли тадбирлар, ҳатто тўй маросимларини ҳам ташкил этиб туришар экан.

Музей биносининг ташқи ва ички кўринишига креатив ёндашилган. Қорайиб кетган зинапоялар, электрон ахборот панеллари, кончилар ҳаётидан фотосуратлар... Шунинг учун ҳам бу ердан сайёҳлар қадами узилмайди.

Тўғриси, барчага машҳур немисча озодалик ва тозаликни сақлаш ҳам осон эмаслигига шоҳид бўлдик. Германиядаги ҳар бир шаҳар чорраҳаларига турли чиқиндилар — қоғоз, пластик, ойна ва ҳоказолар учун бир нечта чиқинди идишлари қўйилган. Хиёбонлар ва тураржойлар яқинида эса уй ҳайвонлари учун алоҳида ахлатдонлар ўрнатилганига гувоҳ бўласиз. Энг асосийси, мамлакатнинг ҳар бир аҳолиси тозалик бўйича умумқабул қилинган меъёрларга қатъий риоя этишга интилади.

### Имконияти чекланганларга чекланмаган шароитлар

Жамиятнинг инклюзивлиги ҳам кишида алоҳида ҳурмат уйғотади. Бу ерда имконияти чекланган одамлар учун барча шароит яратилган. Чунончи, деярли ҳар бир ташкилот, кафе ёки ресторанга кириш, жамоатчилик транспорт воситаларига чиқиб-тушиш учун қулай пандуслар ўрнатилган. Кўп қаватли уйларда эса кўмакка муҳтож шахслар учун лифтларнинг узлуксиз фаолияти йўлга қўйилган. Бинобарин, немислар улар учун платформа яратар экан, аравада юрадиган инсонларни ҳам ёддан чиқаришмайди, яъни йўлак ва хоналар ўртасига зина ёки бошқа ўткир бурчакли кўтарилишлар каби тўсиқлар қурилмайди. Қолаверса, ҳамма жойда имконияти чекланган инсонлар учун зарур шароитлар яратилган ҳожатхоналар мавжуд. Булар кўринишидан оддий туюлар, бироқ барча мамлакатда ҳам бор бўлмаган мана шундай қулайликлар ногиронлиги бор инсонларнинг немис жамияти, жумладан, Берлин ҳаётининг том маънода ажралмас қисми эканликларини ҳис этишларига ёрдам беради, ишлашлари, сайр қилишлари, музей ва театрларга боришлари учун имконият яратади.

### Сайёҳларни қизиқтирадиган жойлар

Германияда туристларнинг катта қисмини, асосан, чекка-чекка ерлар, Рейн дарёси бўйлаб ястаниб кетган шаҳарларда учратиш мумкин. Бой ўтмиш, ўрта асрлардан сақланиб қолган қасрлар, улкан токзорлар бу жойларга ўзгача фусун бағишлайди. Гидлар меҳмонларга қадимги қалъаларда яшаган аҳоли тарихи, бундай қадимий иншоотлар неча қонли урушларни бошидан ўтказгани ҳақида сўзлаб беради.

Мамлакат табиати ҳам гўзал. Ёғингарчиликларнинг мўллиги туфайли немис заминини яшилликка бурканиб туради, мамлакат ҳудудининг катта қисми табиат қўриқчилари қатъий муҳофаза қилинадиган ўрмонлардан иборат. Бу ерда кичик фермалар чорвачилик билан шуғулланиб келади. Қанд лавлаги, арпа, буғдой, маккажўхори, сули, жавдар, ем-хашак экинлари ва картошка етиштирилади. Қишлоқ хўжалиги улкан ҳудудни қамраб олган бўлсада, мазкур соҳа аҳолининг жуда кичик қисмини иш билан таъминлайди. Зеро, қолган ишларни технологиялар бажаради.

**Дилдора РАУПОВА**
**(«Халқ сўзи»).**
Тошкент — Берлин — Тошкент

**Тадбир**

## Ҳуқуқий мулоқот кенгаяди

*Тошкент давлат юридик университети ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг "Марказий Осиё ҳуқуқий давлатчилигига кўмаклашув" ҳудудий дастури билан келишув асосида "Замонавий Ўзбекистонда оммавий ҳуқуқ ривожланишининг тенденциялари: конституциявий ва маъмурий ҳуқуқнинг мунозарали саволлари" мавзуида илмий-амалий симпозиум ташкил этилди.*

Унда Ўзбекистон ҳамда Германия Федератив Республикасининг юридик, тарих, иқтисодиёт ва сиёсат соҳасида иш олиб бораётган кўзга кўринган вакиллари, академиклар, жамоатчилик арбоблари, етук экспертлар ҳамда амалиётчи олимлар қатнашди.

Бугун мамлакатимизда кечаётган ҳуқуқий жабҳадаги ислоҳотлар, давлат бошқарувини либераллаштириш соҳага оид илмий асосларни янада мустаҳкамлашни талаб этади. Боиси, ислоҳотларнинг самарадорлиги уларнинг пухта илмий асослангани билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, ҳуқуқий демократик давлат қурилишида фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан хабардорлик, уларни муваффақиятли қўллаш амалиёти ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Симпозиум ишида бу масаланинг илмий асосларини янада кучайтиришга оид таклифлар ўртага ташланди. Халқаро тажрибанинг энг сара томонларини миллий қонунчилигимизга жорий этиш, бу борада айниқса, Германия тажрибасидан фойдаланиш хусусида сўз борди.

Симпозиумда айни пайтда мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг рафиқаси, Берлин шаҳар Маъмурий судининг истеъфодаги судьяси Эльке Бюденбендер хоним иштирок этди. Мартабали меҳмон юртимизда ўзбекона самимият ва меҳмондўстлик билан кутиб олинганини алоҳида эътироф этди.

— Ўзаро ҳамкорлигимизнинг бир қирраси Ўзбекистонда маъмурий ҳуқуқни ривожлантириш масаласига ҳам дахлдор, — деди Эльке Бюденбендер хоним. — Ўзим ҳам шу соҳанинг вакили сифатида мамлакатларимиз ўртасида ҳуқуқий давлатчиликни ривожлантириш йўлидаги ҳамкорликни юксак баҳолайман. 25 йилдан буён оммавий-ҳуқуқий, яъни давлат ва фуқаролар ҳамда давлат институтлари ўртасидаги низолар устида иш олиб бораман. Бу, асосан, шаҳарсозлик муаммолари, бизнес юритиш билан боғлиқ рухсатномаларга тааллуқли. Мазкур жараёнда фуқароларнинг давлатга нисбатан ишончини оқлаш ва ҳимоя қилиш — судьялар зиммасига катта масъулият юклайди. Айнан судьяларнинг мустақиллиги, объектив қарорлар қабул қила олиши ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидандир. Ўзбекистонда бу борада жуда муҳим қадамлар қўйилган. Жумладан, жорий йилда "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонун кучга кирди. Бу эса фуқароларга ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, маъмурий судларда давлат хатти-ҳаракатлари субъекти сифатида иштирок этиш имконини беради.

Симпозиум иштирокчилари соҳага оид янгиликлар билан ўртоқлашди. Халқаро амалиётга оид янгиликлар ва уларни миллий қонунчилигимизга жорий этиш хусусида амалий таклифлар ўртага ташланди.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

## ФРИДРИХ ШИЛЛЕРНИ БУХОРО БИЛАН НИМА БОҒЛАБ ТУРАДИ?

*Бухоро шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабини норасмий тарзда "Германиянинг Бухородаги мактаби" дея аташади. Таълим даргоҳининг Германиядаги ўқув муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келаётганига йигирма йилдан ошди. Мактабга улуғ немис шоири ва драматурги Фридрих Шиллер номи берилгани ҳам бежиз эмас.*

**Таълим**

— Биз Германиядаги таълим даргоҳлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз, — дейди мактаб директори Замира Ражабова. — Бу педагоглар маҳоратини ва дарслар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этяпти. Айни дамда 17 та синфимизда немис тили чуқур ўргатилмоқда.

Ўтган давр мобайнида ўзаро манфаатли лойиҳалар доирасида мактабнинг йигирма нафардан зиёд немис тили фани ўқитувчилари ушбу мамлакатнинг бир қатор шаҳарлари ўқув муассасаларида бўлиб, тажриба алмашди, маҳоратини оширди.

— Билим масканимиз яқинда "HFSCH", яъни "Мактаблар — келажак ҳамкорлари" лойиҳасида ҳам қатнашишга муносиб, деб топилди, — дейди мактаб директорининг хорижий тилларни ўқитиш бўйича ўринбосари Шафоат Ғаффорова. — Бу ўқитувчиларимизнинг касб маҳоратини ошириш, илғор педтехнологияларни амалда қўллаш, ўқувчиларимизнинг немис тилини чуқур ўрганишида жуда қўл келмоқда. Дарвоқе, жорий йилнинг бошида немис ҳамкасбларимиз мактабимизда бўлиб, ўқувчиларимизнинг халқаро андозаларга жавоб берадиган замонавий ўқув дастурларини ўзлаштириш даражасини синовдан ўтказишди. Унинг натижаларига кўра, 11 нафар ўқувчимиз "А-1" даражали дипломни қўлга киритди. Уларнинг энг юқори балл тўплаганлари — Мирфайз Шарипов ва Ферузабону Ражабова ёзда Германиядаги интеллектуал дам олиш масканида ҳордиқ чиқариш, билимини ошириш учун йўлланма олди. Яна бир ўқувчимиз Жаҳонгир Усмонов эса Бишкекдаги худди шундай оромгоҳ йўлланмасига эга бўлди.

Ўз навбатида, хорижлик ўқитувчиларнинг ҳам Бухорога келиб, немис тилини чуқур ўргатиш юзасидан амалий кўмак кўрсатишлари, мактабни халқаро ҳамкорлик доирасида зарур дарслик ҳамда ўқув материаллари билан таъминлашлари анъанага айланган.



Айтиш жоизки, бу Германия ўқув масканлари билан алоқани йўлга қўйган Бухородаги ягона мактаб эмас. Бухоро шаҳридаги 24-"Шайхулолам" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 1-умумтаълим мактаби ҳамда Бонн (Германия)даги Людвиг Рихтер номидаги мактаб ўртасида ўрнатилган ҳамкорликни мисол тариқасида келтириш мумкин.

— 2015 йилнинг апрелида Бонн шаҳри бургомистри билим даргоҳимизга ташриф буюриб, "Иқлим элчилари" лойиҳасида иштирок этишни таклиф қилганди, — дейди мактаб директори Сабоҳат Ҳайдарова. — Розилик билдирдик. Шу тариқа масканимизда 20 нафар аъзоси бўлган "Иқлим элчилари" клуби ташкил этилди. Германияда бўлиб, Людвиг Рихтер номидаги мактаб тажрибасини ўрганиб қайтдик. Немис ҳамкорларимиз ҳам Бухорога келиб фаолиятимиз билан яқиндан танишдилар.

Умуман, айни дамда вилоятдаги 70 та умумтаълим мактабида немис тили ўқитиляпти. Фридрих Шиллер номи берилган билим даргоҳи эса бу борада таянч мактаб вазифасини ўтамоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**
Муаллиф олган сурат.

**Жараён**

## ЎЗБЕКИСТОНДА НЕМИС ТИЛИНИ ЎРГАНИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БИЛАН ҚАРАЛАДИ



***Гёте деганда кўз олдимизда немис тилининг гўзаллигини асарларида намоён этиб, жаҳон адабиётида улкан адабий хазина қолдирган улуғ ёзувчи гавдаланади. Бугун дунёнинг 90 та давлатида 150 та филиали мавжуд бўлган немис тилини ўқитиш муассасасининг Гёте номи билан юритилиши ҳам бежиз эмас. Пойтахтимиздаги филиали эса 1998 йилдан буён фаолият кўрсатади. Бу даргоҳнинг асосий вазифаси немис тилини ўргатиш ва шу тилни ўқитадиган муаллимнинг малакасини оширишдан иборат. Бу борада унинг раҳбари батафсилроқ гапириб берди:***

— Тошкентдаги Гёте институти бошқа филиалларга нисбатан кўп жиҳатдан фарқ қилади. — дейди муассасанинг Тошкент шаҳридаги бўлими раҳбари Ян Хельфер. — Масалан, тасарруфимиздаги кутубхонада маданият, адабиёт ва тил соҳасида турли тадбирлар анъанавий тарзда ўтказилади. Кутубхонадан фойдаланиш бепул ва бунинг учун фойдаланувчилар немис тилини билиши шарт эмас. Бу ерда турли тилларда адабиётлар мавжуд. Шунингдек, яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда Гёте номидаги боғ барпо этилди. Умуман олганда, Ўзбекистондаги немис тилини ўрганувчилар сони тўрт мингдан ошиқ бўлиб, саккиз ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган иштирокчилар уларнинг 75 фоизини ташкил этади. Курс қатнашчилари сони бошқа мамлакатларга қараганда юқори саналади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германияга сафари чоғида маданият соҳаси бўйича мулоқотларда иштирок этиш бахтига муяссар бўлганман. Гёте институти юртингиздаги немис тили ва маданияти маркази сифатида ҳамкорлик муносабатларининг узвий бир қисми, десак, айни ҳақиқат. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатингиздаги 13 та мактаб билан амалий ҳамкорлик ўрнатганмиз ва шу орқали олти мингдан ортиқ ўқувчиларни қамраб олганмиз. Институт ҳар йили йигирма беш нафар ўқувчи ва саксон нафар ўқитувчига стипендия ажратади.

Ёшлардаги лидерлик, баҳс-мунозарага киришувчанлик, қолаверса, тил борасидаги қобилиятларини ривожлантириш мақсадида барча давлатлардаги ҳамкор ўқув даргоҳларимиз ўртасида махсус лойиҳалар жорий қилганмиз. Мисол учун, "Экологик мактаб" деб аталадиган лойиҳамизда ўқувчилар ўқитувчилари билан биргаликда мактаб ҳудуди ва атрофдаги экологик муаммоларнинг ечими тўғрисида хулосалар тайёрлайдилар. Тақдим этилган ишланмалар институт сайтида эълон қилинади ҳамда ҳакамлар томонидан ғолиб деб топилган жамоа тақдирланади. Бу йил Урганчдаги 2-академик лицей жамоаси муваффақият қозонди ва Германияда ўтказиладиган Халқаро экологик форумга йўлланмани қўлга киритди.

Бундан ташқари, "Мактаблар келажагимиз" лойиҳасини ҳам жорий этяпмиз. Унга кўра, ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаши ва тилга қизиқишларини ошириш бўйича тренинглар ўтказилади.

Ҳозирги кунда бир неча янги ғоялар ҳақида ўйлаяпмиз. Улардан бири — рақамли таълим. Яъни математика ва информатика бўйича ҳам ёшларни ўқитиб, Германияда билим ва кўникмаларини оширишга кўмаклашишни кўзлаб турибмиз.

Умуман, муассасамиз орқали немис тили ва маданиятини дунёга ёйишда имкон қадар хисса қўшаётганимиздан хурсандмиз. Ўзбекистондаги фаолиятимиз келгусида икки давлатнинг маданий алоқалари, дўстлик ришталари янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Юлдуз ЎРМОНОВА**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 59 385 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.55 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6